



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 9 феврал, чоршанба №22 (854)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Бурхониддин ал-Марғинович тағалудининг 910 йиллиги олдидан

## ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК

Диний, билимлар, ҳуқуқшунослик илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома Бурхониддин ал-Марғинович тағалудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллиги Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра мамлакатимизда кенг нишонланади. Айни кунларда аллома туғилган юрт - Риштон туманида қутлуғ санага қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Ҳозиргача улуг зот ҳоки қўйилган Соҳиби Хидоя қабристонидagi мақбарда кенг кўламли таъмирлаш, ободончилик ишлари амалга оширилди. Мустабид тузум даврида бузилиб кетган мақбара, истиқлол йилларида яна табаррук зиёратгоҳга айланди.

Юбилей муносабати билан туман марказидаги маданият ва истироҳат боғи қайта таъмирланиб, зиёратчилар учун сўлим оромгоҳга айлантирилди.

Р.КАМОЛОВ, ЎЗА мухбири

## ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Шу кунларда мамлакатимизда Германия машинасозлик корхоналари иттифоқи бошқаруви раиси Райнхольд Фестге бошчилигидаги делегация мехмон бўлиб турибди.

Германиялик ишбилармонларнинг уч кунлик ташрифи ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги яна бир имконият, дейиш мумкин. Бу ташрифдан икки мамлакат манфаатларини қамровчи кўпгина мақсадлар кўзда тутилган.

Тошкентдаги «Интер-континентал» мехмонхонасида дастлаб икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Исаев ҳамда мамлакатимиздаги қатор корхона ва идора раҳбарлари иштирок этди. Томонлар ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш, жумладан, машинасозлик, тоғ-кон ва металлургия, қурилиш саноати каби соҳаларда шериқликни ривожлантириш имкониятлари кўп эканини таъкидлади.

Биз Ўзбекистонга қурилиш ҳамда тоғ-кон саноатида ишлатилган технологиялар келтириб чиқилиши, деди немис делегацияси раҳбари Р.Фестге. - Ўз таърибамизни ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан бирга баҳам кўриш ҳамда бойитиш ниятидамыз. Ўзбекистонда

Германия машинасозлик бирлашмасининг бюросини ташкил қилишдан кўзланган мақсад ҳам шу. Ўйлаيمانки, ушбу бюро икки мамлакат иқтисодий алоқалари ривожига ҳисса қўшадиган яна бир ишончли ва мустақам омилга айланади. Яна бир ниятимиз, келгусида ўзбекистонлик ишбилармонлар Германияда малака ва таъриб олишга юборилиши. Биз бунинг учун барча керакли шарт-шароитни ҳозирлашга тайёرمىз.

Ўз навбатида Ўзбекистон томони ҳам Германия машинасозлигига кучли қизиқиш билан қараётгани, бу борада ўзаро таъриб алмашиш аниқ мақсадга мувофиқ иш бўлишини қайд этди. Қолаверса, буни Ўзбекистон ҳуқу-

мати ҳам тўла қўллаб-қувватлайди. Чунки, бино ва иншоотлар, йўл ва каналлар қурилиши, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда немис технологияси анча қулай бўлиб, самарали меҳнатни таъминлайди.

Давра суҳбати тегишли соҳалар бўйича алоҳида алоҳида мулоқот тарзида давом этди. Уларда Германия машинасозлик бирлашмаси таркибида фаолият кўрсатувчи «Хавер энд Беккер Машинафабрик», «Альгемайне Баумшннен ГмБХ», «Ман Такраф Фердтерхник ГмБХ» ва бошқа кўплик компаниялар раҳбарлари ҳамда ўзбекистондаги қатор корхона бошлиқлари кун тартибидagi масалалар юзасида ўзаро фикр алмашиди.

(ЎЗА).



Чехрасидан нур ёғилиб турган бу табаррук инсон қосонлик 94 ёшли Ўсар бобо Авлиёкулов. У қирқдан ортиқ неварга, 12 нафар эвара си борлигидан фахрланади. Ҳамқишлоқларига айтадиган гапи битта: ҳаётни севинг, одамларга қўлингиздан келганча яхшилик қилинг, мустиқлигимизни кўз қорачигидек асранг.

З.РАҲМАТТУЛАЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида «Марказий Осиё минтақасидаги қуроли зиддиятлар ва уларнинг Ҳарбий санъат ривожига таъсири» мавзусида илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади.

## МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА КОНФЕРЕНЦИЯ

Конференция ишида мамлакатнинг барча ҳарбийлашган вазирликларнинг генерал ва офицерлари, Ташқи ишлар, Макроиктисодиёт ва статистика вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институт вакиллари иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, конференцияда МДХ давлатлари ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўйича штаб вакиллари, АҚШ, ГФР, Франция, Туркия, Украина, Хитой ва Россиянинг ҳарбий атташелари ҳам қатнашмоқда. Конференциянинг асосий мақсади Марказий Осиёда юз бераётган ҳарбий зиддиятларнинг мохиятини ҳамда террорчи жиноятчи тўдаларнинг тактик ҳаракатларини ўрганиш, яқин орада юз бериши эҳтимоли бўлган воқеаларни тахмин қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига таҳдидни бартараф этишга қодир ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Дастлабки ялпи мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Миллий хавф-

сизлик кенгаши котиби М.Раҳмонкулов Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси масалаларига, Марказий Осиё минтақасидаги ҳозирги вазият, миллий хавфсизлик, шунингдек мамлакатимиз суверинитети ва ҳудудий яхлитлиги гарови бўлган Қуроли Кучларни ривожлантириш масалаларига тўхтади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг генерал-полковниги Ҳ.Турсунов «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ва XXI аср бўсақасида уларни ривожлантириш» мавзусида маъруза қилди.

Конференцияда қайд этилганидек, ҳозирги пайтда Марказий Осиё минтақаси халқаро террорчилик, диний экстремизм ва мутаассибликни ёйиш, минтақа мамлакатларини ўзлари танлаб олган демократик йўлдан қайтаришга уринаётган экстремистик кайфиятдаги кучлар ва диверсион-бузғунчи марказларнинг жинояткорона интиқилари объектга айланиб қолди. Бундай шароитда давлатнинг асосий вазифаси мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини ишонч билан, самарали тарзда ҳимоя қилишга қодир қаққон, яхши таъминланган ва жиҳозланган Қуроли Кучларни барпо этишдан иборат. Арми-

Т.БОТИРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

## МОМОЛАР АНЪАНАЛАРИ АСОСИДА

Пахтабод шаҳрида фаолият кўрсатётган тадбиркор аёл Одинахон Комилова савобли ишга қўл урди. У ўз маблағи савоига барпо этган ва ҳозирда 10 нафар қиз-жувон меҳнат қилаётган попоп цехи қошида ёш каштадўзалар мактаби очди.

Эл ардоқлаган чеварнинг қизи бўлмиш Одинахон ўзи мусикадан

дарс бераётган 36-ўрта мактабнинг юқори синф қизларидан 25 нафарини танлов асосида қабул қилиб, уларга миллий каштачилик, попопда матоларга гул солиш сирларини ўргата бошлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ ёш хунармандлар меҳр билан тайёрлаган буюмлар ҳаридорларни ўзига ром этмоқда.

Январ ойи охирида Нукус шаҳри аҳолиси ўртасида савдо ходимлари ва шаҳар ҳокимлиги оҳангидagi баъзи мутасаддилари фаолиятига норозилик билдирилган гап-сўзлар оралаб қолди. Сабаби, халқни ун билан таъминлашда узилишлар юз берганди. Масалан, Нукуснинг 4-фўқаролар йигини ҳудудидagi 1844 хонадонда жами 10450 жон яшагани ҳолда ун учун январ ойи фонди фақат 8 минг қишлоқ этиб тақсимлангани аниқланди. Қарангки, Нукус шаҳри бўйича 1999 йил декабрида салкам 900 тонна ун савдога чиқарилган бўлса, 2000 йил январ ойида шаҳар озиқ-овқат хиссадорлик жамиятга қарашли 64 та ва хусусий 14 дўкonga атиги 404 тонна ун етказиб берилган.

Одамларнинг фонд тақсимотида шаҳар ҳокимлигидagi баъзи жаноблар томонидан чалқашликларга йўл қўйилган, деган эътирозлариди жон бор. Бу кўйидagi далилларда ҳам кўринади: масалан, шаҳар озиқ-овқат хиссадорлик жамиятига қарашли 4-озиқ-овқат дўконида бир китилган аҳоли сони ўтган йил

декабр ойида 4336 киши деб ҳисобланган ва 9 тонна ун олинган. Жорий йил январиди эса худди шу ҳудудда 3,5 минг киши истикомат қилади, деган ҳужжат асосида атиги 6,2 тонна

ун фонди ажратилган. 11-дўкон хизмат қиладиган ҳудудда ўтган йил декабрида икки минг аҳоли яшайди деган ҳужжатга биноан 7,1 тонна ун келтирилган бўлса, амалдagi йил январиди эса икки ҳисса кам, яъни 3,5 тонна ун тақсимланган. Сабаби, бир ойдаёқ бу ҳудуддagi аҳоли сони икки мингдан 1600 нафарга туширилган, тўрт юз киши ҳисобдан чегириб қолинган.

Бу каби чалқашликлар сабабли 13, 23, 25, 67-дўконлар хизмат кўрсатадиган ҳудудларда истикомат қиладиган аҳоли январда мўлжалдиган икки ҳисса кам ун олди: Шуниси ажабланарлики, баъзи «ҳотамтой ога»

Бухоро вилоятида қўшма корхоналар сони яна иккитага кўпаяди. «Бухоротекс» хиссадорлик жамиятига қарашли Қорақўл туманидagi йигирув фабрикаси негизда «Қорақўлтекс»/Ўзбекистон-Америка/ ва Вобкент туманидagi йигирув фабрикаси негизда «Митатекс»/Ўзбекистон-Россия/ қўшма корхоналари тузиладиган бўлди. Бу ҳақдagi тегишли меъёрий ҳуж-

## ҚЎШМА КОРХОНАЛАР КЎПАЯДИ

жатлар Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилди.

«Бухоротекс» хиссадорлик жамияти бош муҳандиси Неъмат Ҳамроевнинг ЎЗА муҳбирига маълум қилишича, «Қорақўлтекс»нинг таъсис жамғармаси 5 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, у йилга 3800 тонна калава ишлаб чиқариш имкониятига эга. Маҳсулотнинг 80 фоизи хорижга экспорт қилинади.

Вобкент туманида ташкил этиладиган «Митатекс» қўшма корхонасининг таъсис жамғармаси эса 4,5 миллион долларга тенг бўлади. Унда йилга 1060 тонна калавалар ишлаб чиқарилади. Тузилган шартнома мувофиқ маҳсулотнинг 60 фоизи экспорт қилинади.

Икки корхона ҳам истиқлолнинг 9 йиллик байрами арафасида ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Юсак лавозим - Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қайта сайланганим ва туғилган куним муносабати билан менинг номимга хорижий давлат бошлиқлари, таникли сиёсат, маданият ва жамоат арбоблари, нуфузли халқаро ташкилотлар, фирма ва компанияларнинг раҳбарлари, юртимиздagi меҳнат жамоалари, кўлаб ватандошларимиздан табриклар келмоқда.

Мен бу кутловларни, авваламбор ҳуқуқий давлат, эркин ва адолатли жамият, фаровон ҳаёт қуриш йўлидан собитқадамлик билан бораётган Ўзбекистон халқига, азиз юрдошларимга хайрихоҳлик, хурмат-эҳтиром ва ишонч рамзи сифатида қабул қиламан. Чин дилдан билдирилган самимий тилаклар учун узоқ-яқиндagi барча дўст ва биродарларимизга, кадрлик ватандошларимизга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Ислом КАРИМОВ.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги Президентлик муддатига қайта сайланганимиз ҳамда Ўзбекистон халқи билдирган ишонч муносабати билан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, шунингдек масъулиятли лавозимингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса бундан бундан ҳам тараққиёт ва раванқ тилash билан бирга, гоят самимий кутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этди.

Хафиз АСАД

Сурия Араб Республикаси Президенти

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент, Сиз Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига қайта сайланганимиз муносабати билан Камбоджа қироллиги парламенти, ҳукумати ва халқи ҳамда ўз номидан қизгин табриклар шарафига муяссар бўлганимдан гоят бахтиёрман.

Ўзбекистон давлатига ва халқига бошчилик қилишдек тарихий вазифангизда Сизга улкан муваффақиятлар тилаб, эзгу истақларимизни изҳор этаман.

Сизга бўлган чуқур ҳурмат эътиборини қабул этгайсиз.

Нородом СИАНУК, Камбоджа Қироли

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганимиз муносабати билан Македония халқи ва шаҳсан ўз номидан самимий кутловлар йўллаш билан бирга ушбу гоят масъулиятли лавозимдagi фаолиятингизда энг эзгу тилакларни изҳор этишимиз истардим.

Фурсатдан фойдаланиб, шунинг таъкидламоқчиманки, биз дўст мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардagi ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёرمىз.

Борис ТРАЙКОВСКИЙ, Македония Республикаси Президенти

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ИККИНЧИ ЙИГИЛИШНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши 2000 йил 11 феврал кунини эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 10 феврал соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши 2000 йил 11 феврал кунини эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

## ТАЪМИНОТДАГИ ФИРРОМЛИК

БАЪЗИ МУТАСАДДИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИ ОҚИБАТИДА НУКУС ШАҲРИ АҲОЛИСИНИ УН БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА АДОЛАТСИЗЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛДИ

ларига эса аксинча 1999 йил декабрига нисбатан кўп ун тақсимланди. Бу нафис ҳақалак отган айрим хусусий дўкон эгалари учун аниқ маддао эканлиги кейинроқ аён бўлди. Акс ҳолда «Гулбахор» хусусий дўконида 30 қоп ун сотилмасдан пананага яшириб қўйилганини нима билан изоҳлаш мумкин, ахир?!

Шаҳардagi марказий деҳқон ва бошқа кичик бозорларда ун сероб, аммо баҳоси осмонда, дейди А.Бегимов кўчасида истиқомат қилувчи Қодир ога Аҳмедов. - Хайронмиз, улар унни қаердан келтирар эканлар-а. Кўйиниб айтилган бундай фикрларни кўплай

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.





Муносабат

«АЁЛЛАР САЛТАНАТИ»НИНГ ЗИЙНАТИ


Янги ўзбек бадиий фильми — «Аёллар салтанати» кино амалиёти ва назариясининг долзарб масалалари юзасидан фикр юритишга имкон беради...

накадар зарурлигини эслатиб ўтди. Кинодраматурглар Ю.Розиқов ва М.Тўйчиев Омон Мухтор романидан озиқ олдилар...


мураккаб руҳий ҳолати, қайғуси, алами, эҳтироси, изтироби ҳам намонён бўлади. Бунда режиссёр талкин йўлини аниқ белгилагани ҳал қилувчи омил бўлган.



юритишга ундайдилар. Фильмни кўрганлар «Кино асарига тасвир ус-тун туриши керакми ёки ижро? Эҳтимол, овоз воситасидир?» каби саволларга жавоб топади...



Олим ҳамиша ҳақ бўладиган, сўзини ўтказадиган, барчага намуна кўрсатадиган «ижобий» қаҳрамонга ҳеч ўхшамайди. У тинимсиз фикрлайди, эслайди, тасаввур этади, кечалари туш кўради...



ши ва кадрларга муҳрай билишни кўрганамизда маъбудлар иттифоқи (абдиёт, кино, мусиқа, тасвирий санъат маъбудаларининг иноқлиги) самара берганидан беҳад хурсанд бўламиз.

тафаккури, мушоҳадалари мураккаб-лашиб боришини таърифлашни, албатта. Мазмунга шаклдан келиб чиқиб эмас, аксинча, мазмун, воқеалар оқими, турли замонда ва маконда эркин ҳаракат қилаётган қаҳрамоннинг ҳолатини кузатиб бориш, бадиий тадқиқ қилиш орқали эришилган...

Муайян асарга бағишланган мақоламизда бундай мулоҳазаларга ўрин берганимизга сабаб бор. Абдиёт, санъат ҳамда улар ҳақидаги фанлар шўролар даврида ўз қобиғида қолгани маълум. Абдиёт маданиятдан, филология бошқа гуманитар соҳалардан ажратиб олингани сабабли кўп муаммолар пайдо бўлгани хорижда ҳам қайд этилмоқда...

Роман соф адабий услубда ёзилган бўлса-да, унда «киноқозғатиш», «интеллектуал кино», «эмоционал сценарий» назарияси, драматургик ҳолатни атайлаб бўшашириш (дедраматизация) каби кинематографик жараён кўринишлари, тушунчаларининг таъсири ҳам сезилади. Демак, экран шакллари ўзга санъат кўмағида такомиллашиб яна кино услублари, воситалари ҳазинасини бойитган...

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Юртимиз мустақилликка эришгач, спортчиларимиз учун ҳам жаҳонга чиқиш имконияти яратилди. Айниқса, ёшларимизнинг жисмонан баркамол бўлиб воёга етаётганлиги қувонарли ҳолдир. Бу борада Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов туманининг 146-ўрта мактабида ибратли ишлар амалга ошириляптир.

Суратда: Тазквандо бўйича қора белбоғли 1-дан соҳибалари Ғўзал, Шахло Қорабоевалар Фаррух опалари эришган ютуқлардан мамнун.

Р.АЛЪБЕКОВ олган сурат



МИЛЛИЙ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ТАРИХИДАН

Тарихий маълумотларга қараганда, танбур Юнонистонда ихтиро қилинган экан. У 32 пардадан иборат бўлган.

Чанг Зухро юлдузига қиёс қилиниб, Жамшид томонидан, рубоб сони Хоразмшоҳ даврида, ғижжак сони Султон Маҳмуд Фазнавий, Носир Хисрав ва Абу Али ибн Сино томонидан ихтиро қилинган.

Урта Осиёда мақом асарлари ижросида танбур, халқ ва мумтоз куйлар ижросида чанг, най, рубоб, дутор, қўшнай, доира, уд каби мусиқа асбоблари, халқ бахшичилигидаги ижросида дўмбира, мунгли оханглар ижросида ғижжак кенг қўлланилган.

Ал-Фаробий ва бошқалар ўзларининг мусиқага оид рисолаларида VII асрдан то XVIII асрнинг иккинчи ярмигача ўрта Осиё халқларида 12 мақом тизимининг ижроси мавжуд бўлиб, бу мақом ижросида уд асосий мусиқа асбоби ҳисобланган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб 12 мақом ўрнига бошқа номлар билан аталувчи мақомлар пайдо бўла бошлаган. Улар Бухоро шошмақоми, Хоразми, Фарғона, Тошкент мақомларидир. Бу мақом асарлари асосан танбур соз ва пардаларига мослаб ижро этила бошланди.

Ўз даврининг машхур бастакори ва созандаси Комил Хоразмий томонидан «Танбур нота чизиги» тизимининг яратилиши муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлди. Шу даврда халқ усталари томонидан ясалган танбурулар, албатта, кўпроқ мақомлар ижросига мослаб ихтиро қилинган.

Ҳозирги кунда халқ усталари томонидан тўрт ва беш торли танбурулар ясалиб, ижрочиликда қўлланилмоқда.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Ўзбек мумтоз адабиётининг улус сиймоси Заҳриддин Мухаммад Бобур ўзидан бой иждоий мерос қолдирган. Бутун жаҳонга танилган бу буюк иждокор асарлари хорижий тилларда ҳам кўплаб нашр этилди.

Бобурнинг машхур «Бобурнома» асарининг кўп тилларда таржима қилиниши чет элларда шоир иждоига бўлган қизиқиш катта бўлганини кўрсатиб турибди. «Бобурнома» лотин, инглиз, ҳинд, турк ва бошқа тилларда чоп этилди.

Фарб китобхоналари «Бобурнома» билан дастлаб унинг форсий нусхалари орқали танишдилар. Голландиялик шарқшунос Витсен 1705 йилда асардаги айрим тасвирларни таржима қилиб, Амстер-

БОБУР АСАРЛАРИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДА

дамда чоп эттирди. 1816 йилда олим У.Эрскин Бомбейдан туриб, Лондондаги нашрларга туганмас ҳазина топиб олгани, бу «Бобурнома» эканлигини ёзган эди. Унинг Ж.Лейден билан ҳамкорликда бу асарни таржима қилиб, 1826 йили Лондонда нашр эттирди.

Адабиётшунос олимларнинг ёзишларига кўра XX асрга келиб «Бобурнома»га бўлган қизиқиш яна ортди. Шу ўринда шарқшунос А.Бевеиж хонимнинг хизматларини айтиб ўтиш жоиздир.

У 1905 йили «Бобурнома» кўлемасининг факсимилеси нашрини амалга оширди. Кейинчалик «Бобурнома» инглиз тилида деган номдаги нашр юзга келди.

Бобур ҳақидаги нашрлар эндиликда жаҳондаги йирик кутубхона ва музейларда ҳам сақланмоқда. Жумладан, Бобурнинг «Аруз рисоласи» Париж Миллий кутубхонасида ҳам мавжуд.

Ўтган йил «Бобурнома»нинг японча таржимаси ҳам юзга келди. Мазкур нашрнинг бир нусхаси Андижондаги Бобур музейига тортиқ қилинди.

Шундай қилиб, Бобур асарлари хорижий тиллардаги таржималари орқали жаҳонга кенг тарқалмоқда.

Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгаши ва тармоқ касба уюшмалари шаҳар кўмиталари Шаҳар касба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт хизмати Бошқаруви раисининг ўринбосари

Қодир НУЪМОНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия-спорт хизмати Марказий бошқаруви ҳаммаси Тошкент шаҳар касба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт хизмати Бошқаруви раисининг ўринбосари

Қодир НУЪМОНОВНИНГ вафоти билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.



УЙҒОНАЁТГАН ТАБИАТ

Даврон АХМАД сурат-лавҳаси.

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

Ангрэн шаҳридаги Алишер Навоий номи Марказлашган клублар тизимининг Маданият марказида «Албатта» гуруҳи тўзилганига бир йил тўлиши муносабати билан ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

2000 йил — Соғлом авлод йили

Сариосиё туманида 145 мингдан зиёд аҳоли саломатлигини мустақамлаш йўлида 281 нафар малакали шифокор ва тиббий ходимлар фаолият кўрсатишмоқда. Туманда 60 нафар олий тоифали, 97 нафар биринчи тоифали, 52 нафар иккинчи тоифали шифокорлар бор. Аҳолига 1157 нафар ўрта маълумотли тиббий ходимлар ҳам сидқиқидан хизмат қилмоқда.

ШИРИНСУХАНЛИК — МУОЛАЖА

Туманининг 24 мингга яқин аҳолиси тоғли худудларда истиқомат қилади. Хизмат кўрсатиш радиуси эса 200 км дан зиёдлигини ҳисобга олсак, аҳоли соғлигини сақлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатишда бир мунча қийинчиликлар ҳам туғилиб туради. Лекин ўз ишларига фидойи шифокорлар ҳар қандай нуқулликларга қарамай хизмат қилмоқдалар. Туман марказидан 100-150 км узоқ тоғли Сангардак, Хубон, Киштут, Тамшуш, Хубон, Богча каби қишлоқларда ҳам намунали тиббий хизматни таъминламоқдалар. Малакали шифокорлар жойларда ҳомилдор аёллар ҳамда ёш болаларнинг саломатликларини тиклаш бора-сида ҳам самарали ишларни амалга оширмоқдалар. Марказдан узоқда, транспорт бора олмайдиган худудлардаги аҳоли пунктларида от-уловлар ташкил қилиниб, барча беморлар назоратга олинган. Узоқ жойлардаги ҳомилдор ҳамда камқонлик касаллигига чалинган аёллар бир ой кундан кўп муддатда туман марказидаги шифохонанинг «Туғуруққа тайёрлаш» бўлимида даволанадилар.

Туманда «Тез ёрдам» бўлими ҳам янги йўлга қўйилган. «Тез ёрдам» бўлими ихтиёрига берилган янги 3 та «Дамас» микроавтобуси ҳам аҳолига юксак даражада хизмат кўрсатишни таъминламоқда.

Туманимизда 22 касаллик тури бўйича мутахассис врачлар бор, — дейди Марказий шифохона бош ҳақими Хўжаназар Маҳмудов. — Бизда доимо янгиликка интилиш, касбига фидойилик ва аҳоли ўртасида соғлом муҳитни яратиш биринчи галдаги вазифа. Тумани-

мизда катталар, ўсмирлар, болалар поликлиникалари мавжуд. Йилдан-йилга бошқа хизматлар билан бирга стоматология хизматини ҳам яхшилаб бормоқдамиз.

Туманда болалар ўлими ҳар 1000 нафардан 10 на-

мизга катталар, ўсмирлар, болалар поликлиникалари мавжуд. Йилдан-йилга бошқа хизматлар билан бирга стоматология хизматини ҳам яхшилаб бормоқдамиз.

Туманда болалар ўлими ҳар 1000 нафардан 10 на-

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси. Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЙМОВ. Таҳрир хайъати: Ж.Алимҳужаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) - «Ишонч-Доверие», М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Объект усулида босилди. Ўлчам: А-2, Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий аъдди 14.002 нусха. Сотила эркин нархда. «Шарқ» нашриёт — матбаа концерни босмаханаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.30. Буюртма Ғ—114. 1 2 3 4 5 6